

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 19

05.09. 2022 йил

Багдод шахарчаси.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хамда ўз низомига асосан фаолият юрутuvchi **Бағдод туман Ободонлаштириш бошқармаси** бошлиги **И.Боймирзаев** (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томон ва иккинчи PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP МСНJ номидан раҳбар **И.Мамажонов** (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) ўрталарида қуидаги максадларда тузилди.

## 1.ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ:

- 1.1 «Пудратчи» ўз кучи, асбоблари, механизмлари билан «Буюртмачи»га қарашли **Бағдод тумани Даشت МФЙ** худудига кўча чироқлари ўрнатиш ишларини амалдаги техник шартларга риоя килган холда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2 «Пудратчи» тегишли проект-смета хужжатларига мос холда» Буюртмачи» томонидан жорий таъмирлаш ишларини келишилган вактда бажариш ва уни камчиликларсиз тўлиқ тайёр холда ўз муддатида «Буюртмачи»га топширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3 «Пудратчи» иш бажариш вактида жорий таъмирлаш ишлари учун кетадиган курилиш материаллари ва ишчи кучини ўз хисобидан ўзи таъминлади.
- 1.4 «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини 10 иш кунида тамомлаш мажбуриятини олади. «Пудратчи» томонидан қилинган ишлар якунлангандан кейин Ф-2, Ф-3 далолатномаларини «Буюртмачи» ўзининг мутахассислари билан биргаликда қабул қилиб олади.

## 2.ШАРТНОМАНИ БАХОСИ

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси **84 550 000 (Саксон тўрт миллион беш юз эллик минг)** сўмни ташкил қиласи.
- 2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига КМИ материаллар баҳоси тафовутини олади.

## 3.ТУЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» хисоб ракамига олдиндан 30% аванс тўловини ўтказиб беради.
- 3.2 Тўлов шакли «Пудратчи» томонидан Ф-2, Ф-3 хужжатларини тасдиқлангандан сўнг солиштирма далолатномаси ва хисоб фактурага асосан «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг хисоб ракамига тўғридан тўғри пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома бўйича охирги хисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан сунг 5 кунидан кечиктирмай «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.

## 4.МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1 «Пудратчи» Ушбу шартномани 1-булимида назарда тутилган ишларни шартнома Фазначилик бўлими рўйхатдан ўтказилгандан кундан 10 иш куни муддатида бажаради.
- 4.2 Ушбу шартнома 05.09. 2022 йил 31.12.2022 йилгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, Фазначилик (бўлими)да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг хар иккиси хам қонуний кучга эга.

## 5.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1 «Пудратчи».
- 5.1.1 Ўз кучи техника воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «Буюртмачи» га меёрий хужжатлар талабига ва қоидалари асосида топшириш;
- 5.1.2 Обектга лойихага биноан бўлған материалларини конструкцияларини бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш тушириш тахлаш хамда сақлашни амалга ошириш;
- 5.1.3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субподряд шартномани тузгани тўғрисида «Буюртмачи» га ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;
- 5.1.4 Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обектни қурилиши бўйича зарурый чоратадбирларни бажарилишини таъминлаш;

- 5.1.5 Обект сугуртасини амалга ошириш ;  
5.1.6 Жорий таъмирлаш ишларинида назорат органлари томонидан текширишда ортиқча қилинган харажатлар аниқланса бу харажатлар «Пудратчи» томонидан тўланади.  
§.2 «Буюртмачи»  
5.2.1 Календар иш режаси белгиланган хажмда ва муддатда хажмни топшириш;  
5.2.2 У шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишлар шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га хақ тўлаш;  
5.2.3 «Пудратчи» дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 хафта ичida объектни қабул қилиш мажбуриятларини олади.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1 Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бўлғанлиги учун айбор тараф бошка тарафга кечиктирилган хар бир кун учун шартнома баҳосининг 0,5 % хисобида пеня тўлайди, лекин шартноманинг 2,1 бандида кўрсатиб ўтилган сўммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.  
6.2 Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошка мажбуриятларни бажармаган ёки лойиха даражада бажармаган холларда айбор тараф бошка тарафга бой берилган фойдани кўшиб курган заарни қоплайди.  
6.3 Пеня тулаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш хукукий бартараф этишдан озод этмайди.

## **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

- 7.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.  
7.2. “Истеммолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунигдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеммолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қиласди.

## **8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

- 8.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши тоинларнинг тасири ва истакларига боғлик бўлмаган вактинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга халақит берадиган вазиятлар содир бўлганда (яъни табии оғатлар, ноқулай об-хаво шароити хукумат тадбирлари хокимият органлари қарорлари, харбий низолар ичкий тартибсизликлар) ва бошқа холларла юқорида айтиб ўтилган холатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафида шартнома мажбуриятлари бузулган деб хисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу холатлар давом этиш вақтига сурилади .  
8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган томон дархол иккинчи томонни юқоридаги холатларнинг юзага келганлиги шунингдек бартараф этганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.  
8.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки улар бартараф этилгани хақида ўз вақтида (5 кун ичida) хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди .

## **9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.  
9.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартиба хўжалик судида кўрилиши лозим булади.

## **10.ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

- 10.1. Ушбу шартнома хар қандай киритиладиган кўшимча ва ўзгартеришлар ёзма равишда расмийлаштириб хар икала томон имзолаган холлардагина хакикий кучга эга бўлади.  
10.2. «Буюртмачи» қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:  
10.2.1 «Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан муддати 10 кунга ошиб кетганда.

10.2.2 «Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиш натижасида лойихада кўрсатилган ишларни сифати пасайганда.

10.3. «Пудратчи» қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга хақли:

10.3.1 «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи» га боғлик бўлмаган сабаблар бўйича жорий таъмирлаш ишларининг боришини 1 ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

10.3.2 «Буюртмачи» томонидан лойиха хужжатларини ўзгартиришлар киритиш билан боғлик холда ишларни баҳоси 50% кунига камайганда.

10.3.3 «Буюртмачи» томонидан кейинчалик қурилиш, молиялаш имконияти йўқотилганда.

10.4. «Буюртмачи» «Пудратчи» нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га улар томонидан аниқланган бажарилган ишлар хажми қийматини тўлайди.

10.5. Шартнома бекор қилишга қарор қилган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборилади.

## 11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. «Пудратчи» амалдаги тартиб ва қоидалар бўйича бажарилган ишлар сифатига 1 йил муддатга кафолат беради.

11.2. Хар икала томон Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида фаолият кўрсатадилар.

## 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАДЧИ

| БАҒДОД ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ<br>БОШҚАРМАСИ                  | PREMIUM-CONSTRUCTIONS-<br>GROUP MCHJ                |
|--|---|
| Манзил: Бағдод шахарчаси Оқ олтин кўчаси                   | Манзил: Самандарак қишлоғи                          |
| Тел./факс:   | Тел./факс: 90 230 10 70                             |
| ШХР: 301821860302097065200110006                           | ИНН: 302 982 099                                    |
| Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 204 462 224                 | ОКПО: 61110   |
| ОКОНХ: 90211   | ХР: 20208000200356032001                            |
| Газначилик номи: Багдод тумани буйича газначилик булинмаси | МФО: 01087 "Капиталбанк" АТ банкининг Кўкон филиали |
| Газна х/в: 23402000300100001010                            |   |
| Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. ББХКМ                  |   |
| МФО: 00014   |   |
| Газнанийдик СТИРи: 201122919                               |   |
| Рахбар   | И.Боймирзаев  |
|  | И.Мамажонов   |

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi – Shartnoma
2. Loyihaning nomi-Pudrat shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot  
Shartnoma loyixasi Bag'dod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi  
tomonidan ishlab chiqilgan va 31.08.2022 yil kuni taqdim etilgan.

Bag'dod tuman Bag'dod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP MCHJ o'rtaida 84 550 000 (sakson to'rt million beshyuzi ellik ming) so'mlik pudrat shartnomasi to'g'risida.

Shartnoma loyixasi amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Qonuni va amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:



S.Xamidov

D

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

**Бағдод туман Ободонлаштириш  
бошқарма бошилиги И.Боймирзаев**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бағдод туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 22.08.2022 йил кунги № 22110012136642 сонли лот билан Бағдод тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Бағдод тумани Даҳшт МФЙ худудига кўча чироқлари ўрнатиш учун ўтказилган электрон эълон натижалари тўғрисида йиғилиш

**БАЁНИ № 7**

Раислик қилувчи: комиссия раиси:

И.Боймирзаев

Қатнашдилар:

Д.Абдурахмонов

Қ.Юсубжонов

И.Дусматов

С.Жабборов

А.Зокиров

**Энг яхши таклифни таилаб олиш учун келиб тушган таклифлар:**

1. PREMIUMCONSTRUCTIONSGROUP MCHJ
2. ЧП YANGI QURILISH FARG`ONA

**Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:**

Кун тартибидаги масала юзасидан Бағдод тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Бағдод тумани Даҳшт МФЙ худудига кўча чироқлари ўрнатиш учун ўтказилган электрон эълонга раислик қилувчи И.Боймирзаев сўзга чиқиб, ушбу эълон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида шаффоф ва хаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонуний 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган мухокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилишини хамда шартнома имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida Давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Мухокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан хеч қандай эътиrozлар келиб тушмаганлигини инобатга олган холда йиғилиш хайати:

**Қарор қилади:**

1. Мухокама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан эътиrozлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб “PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP” МСНJ йифилиш хайати томонидан ғолиб деб эълон қилсин.
2. Голиб деб топилган қатнашчи “PREMIUM-CONSTRUCTIONS-GROUP” МСНJ билан қонунчиликда белгиланган тартибида шартномалар расмилаштириб, туман Фазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилсин.

Қатнашдилар:

Д.Абдурахмонов

  
  
  


К.Юсубжонов

И.Дусматов

С.Жабборов

А.Зокиров